

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АЗИЗОВА ГУЛНОЗА ГАНИЖАНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(инглиз тили материаллари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философских наук
(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstracts of Doctor of Philosophy (PhD)
On Pedagogical Sciences**

Азизова Гулноза Ганижановна

Олий таълим муассасалари профессор -ўқитувчиларнинг касбий педагогик фаолиятини такомиллаштириш (инглиз тили материаллари мисолида)

Азизова Гулноза Ганижановна

Совершенствование профессионально-педагогической деятельности профессор-преподавателей высших образовательных учреждений (на примере материалов английского языка)..... 23

Azizova Gulnoza Ganijanovna

Improving the professional and pedagogical activities of professors and teachers of higher education institutions (on the example of english language materials) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АЗИЗОВА ГУЛНОЗА ГАНИЖАНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(инглиз тили материаллари мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped10 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Муяссар Махмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожиев Мамаражаб
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим омилларидан бири сифатида ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолияти самарадорлигини ошириш, жумладан, миллатлараро маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг интеграциялашуви, ахборот узатиш ва мулоқот қилишда асосий восита саналган хорижий тиллар, хусусан инглиз тили ўқитувчилари фаоллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илғор таълим муассасалари хорижий тил машғулотларини самарали педагогик технологиялар, ёндашувлар билан бойитиш билан бирга, соҳа профессор-ўқитувчиларнинг рекрутинг талабларига ахборотлаштириш ва коммуникация шароитида интенсив фаолият юритувчи, юқори компетенцияга эга бўлиш заруратини юзага келтирмоқда.

Халқаро миёсда тил ўқитишнинг жадаллаштирилган технологиялари ва техникаси, усуллари ва воситалари, жумладан, анъанавий предметлаштирилган, тил шароитига чуқурлашув ва интенсивлашув, шахсий эмоционал-ҳиссий муносабат йўналишларида тадқиқотлар олиб борилиб, мазкур изланишларда хорижий тиллар бўйича ўқитувчининг функционаллиги ва коммуникатив таъсирини ошириш жараёнларига асосий объект сифатида қаралмоқда. Бунда касбий компетенциялар таркибини креатив фикрлаш элементи асосида кенгайтириш, таълим-тарбия жараёнларида мавжуд анъанавий ўқитиш методлари ҳамда умумий маҳорат йўналишларини янгиланган интегративлик орқали акс эттириш ва қўллашнинг аҳамияти долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-методик таъминотини яхшилаш, мутахассис-кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида профессор-ўқитувчиларнинг илғор таълим технологиялари ва ўқитиш усуллари татбиқ этиш бўйича ташаббускорлигини ошириш, чет тилларини ўқитишнинг интерфаол методларини жорий этиш имкониятлари кенгаймоқда. Шунингдек, олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолияти мазмунини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олий таълим муассасаларида таълим сифатини шахс, давлат ва жамиятнинг долзарб истиқболий эҳтиёжларига мувофиқлаштириш, чет тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”¹ каби устувор вазифалар белгиланиб, бу борада чет тилларини ўқитишнинг касбий-педагогик шарт-шароитлари ва амалиётини таҳлил қилиш, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил этишнинг дидактик таъминоти, чет тил таълими

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

мазмунини такомиллаштириш, шакл, метод, воситаларини қўллаш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон қарори ва мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, касбий иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда олий таълим муассалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ривожлантириш масаласига доир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Р.Ҳ.Джураев, О.Мусурмонова, С.Т.Турғунов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ф.Р.Юзликаев, М.Махмудова, Э.Ишонқулов, У.Ш.Бегимқулов, Л.Т.Ахмедова, Ж.З.Қосимова, Р.Мавлонова, А.А.Абдуқодиров, М.Тожиев, Б.Х.Ходжаев, Г.У.Ахмедова, К.Рискулова каби олимлар томонидан олий таълим тизимини ахборотлаштириш, педагог кадрларни тайёрлаш жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этишга доир тадқиқотлар амалга оширилган.

МДҲ давлатларининг бир гуруҳ олимлари чет тилларини ўқитишнинг педагогик хусусиятлари, хусусан, чет тилини ўқитиш жараёнида талабалар ижодийлигини таъминлаш (А.Р.Гайфутдинова), қўшимча таълим тизимида ахборот-коммуникацион технологиялар асосида чет тилини ўқитиш муаммолари И.В.Чернецкая, С.С.Авганов, ўқитувчилар ижодийлиги, чет тили ўқитишнинг асослари Е.В. Ермолаева, С.Н.Алиев, чет тили воситасида талабаларда маънавий қадриятларни шакллантириш, тил маданияти Г.У.Ахмедова, Н.Н.Мукимова кабилар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хорижлик олимлардан А.Н.Шимирева, М.И.Губанова, З.В.Крецаң Э.Фромм, Ж.Маритен, Ж.Фурастье, С.Френе, Ж.Брунер кабиларнинг тадқиқотларида ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигининг акмеологик, эдукологик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Юқоридаги илмий ишланмалар ва адабиётлар таҳлили таълим тизимининг мавжуд шарт-шароитлари хусусиятларига мос тарзда олий таълим муассалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик

фаолиятини такомиллаштириш механизмларини аниқлаштириш, модулли ва кредит таълим технологиясини татбиқ этиш шароитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир махсус тадқиқот амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф8062 рақамли “Хорижий тилларни ўқитишнинг касбий педагогик технологиялари” (2007-2011 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим тизимида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

илмий-педагогик, социологик, фалсафий, тарихий манбаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш шарт-шароитлари ва амалиётдаги ҳолатини аниқлаштириш;

инглиз тили материаллари асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолияти мазмунини такомиллаштириш шарт-шароитларини аниқлаш;

инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш босқичларини аниқлаштириш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш механизмини такомиллаштириш;

инглиз тилини ўргатишда лингвистик, социолингвистик, прагматик, нутқий, лексик компетенцияларни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд давлат чет тиллар институти, Қарши давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетидаги 350 нафар ўқитувчилар ва 184 нафар респондент ўқитувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида ўқув-илмий манбалар, ДТСдаги концептуал фикрларни таҳлил қилиш, ўрганиш, аналитик обзор каби назарий усуллардан; моделлаштириш, ретроспектив таҳлил, диагностика, суҳбат, сўровномалар, интервью, тажриба-синов, тест, математик-статистик таҳлил каби эмпирик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари касбий компетентлик элементлари (ижтимоий фаоллик, кадриятлилик, очиклик, ўзига хослик, узлуксизлик) таркибини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

инглиз тили материаллари орқали ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ривожлантириш мазмуни интерфаол ёндашувни (коммуникатив, креатив, фаоллик) лексик ва фонетик лаёқатни ривожлантириш жараёнига интенсив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш босқичлари (репродуктив, ижодкорлик, новаторлик) этномаданий материалларни (лингвистик, антропологик, маданиятшунослик) ижтимоий-гуманитар ва умумкасбий фанлар тузилмасига киритиш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўргатишда лингвистик, социолингвистик, прагматик, нутқий, лексик компетенцияларни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти ахборот-коммуникация, тил мулоқоти муҳити, ўйинлар, муаллифлик ёндашуви, компьютер ресурслари таъсирини даражалаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

олий таълим муассасаси инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш ва ташкил қилишга доир янгича ёндашувлар (менторлик, фасилитаторлик, супервизорлик) мазмуни аниқлаштирилган;

инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда ахборот-коммуникацион, муаллифлик методикаси ва инглиз тилини жадал ўргатиш, этнопедагогик ва ижтимоий-маданий компетентлиликни ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда унинг мутахассислик компетенциясига доир талаб, мажбурият, маҳорат ва индивидуал таълим троекторияси кабилар бўйича мезонлар ишлаб чиқилган;

инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш шакл, восита ва усулларини қўллашда янгича ёндашув асосидаги интеграцион таълим стратегияси таклиф этилган, самарадорлик даражаси белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика фани олий таълим муассасаси инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини

такомиллаштиришга оид янги назарий ёндашув, ғоя, тавсиялар билан бойитилган, мавжуд таълим тизими, хусусан олий таълим муассасасида инглиз тилини илғор педагогик технологиялар асосида ўргатиш жараёни мазмуни модулли-кредит таълим талабларига асосланган замонавий қарашлар билан такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мавжуд педагогик фаолиятни жамиятдаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнига мақсадли йўналтириш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган. Шунингдек, билдирилган тавсия ва таклифлардан олий таълим мазмунини такомиллаштириш, чет тили ўқитувчилари педагогик фаолиятини самарали ташкил қилиш, инглиз тилини ўқитиш бўйича ўқув дастурлари, қўлланма ва ўқув материаллари мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари, касбий компетентлик элементлари (ижтимоий фаоллик, кадриятлилик, очкилик, ўзига хослик, узлуксизлик) таркибини белгилашга оид таклифлари таклифлардан 5111400–инглиз тили бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 89.03-2500-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тили бакалавриат йўналиши ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим мазмуни ва ўқитиш технологияларини танлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

инглиз тили материаллари асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолияти мазмуни, тизимли-структур таҳлилга асосланган самарали ҳамкорликдаги фаолиятни такомиллаштириш, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш босқичларини (репродуктив, ижодкорлик, новаторлик) аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсияларидан ОТ-Ф8-062-рақамли “Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ташкил этиш технологиялари” (2016-2019 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 89.03-2500-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаси инглиз тили ўқитувчилари фаолиятини замонавий янги ёндашувлар (лингвомаданий, антропоцентрик, прагматик) асосида такомиллаштиришга эришилган;

инглиз тилини ўргатишда коммуникатив, лингвистик, социолингвистик, прагматик, нутқий, лексик компетенцияларни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти ахборот-коммуникация, тил мулоқоти муҳити, ўйинлар, муаллифлик ёндашуви, компьютер ресурслари таъсирини даражалашга доир таклиф ва тавсиялардан “Инглиз тили” фанларининг назарий ва амалий машғулот жараёнларида дастурий-дидактик мажмуа ва тавсияларини

(жумладан, “Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишга оид давлат сиёсати ва унинг аҳамияти”, дарс ишланмалари, кўргазмали воситалар) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 89.03-2500-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда лингвистик компетенцияларни шакллантириш, тилни ўзлаштириш малакалари бўйича турғун кўникма ва тасаввурларни кенгайтириш имконияти оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 38 та республика анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 1 та рисола, 1 та ўқув методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларида 14 та мақола, жумладан 4 та мақола хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялардан иборат бўлиб жами 141 саҳифани ташкил этади. Бунга фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар қўшилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Олий таълимда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқитувчини касбий-педагогик фаолиятининг ижтимоий-педагогик зарурати, педагогик асослари, амалий ҳолати, такомиллаштириш йўллари ёритилган. Шунингдек, олий таълимда касбий-педагогик фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-педагогик зарурат сифатидаги аҳамияти атрофлича асослаб берилган. Жумладан, “инновацион-педагогик фаолият” истилоҳининг илмий дефиницияси ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча, инновацион-педагогик фаолият – янги маҳсулот яратишга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат тадбирлари мажмуасидан иборат бўлиб, улардан мақсад йиғилган билим, малака, кўникма, технология ва ишлаб чиқириш инфратузилмасини мазкур янги маҳсулотни кенг миқёсда ишлаб чиқаришга ишлатиш ва самарадорлигини таъминлашдир.

Таълимдаги инновацион-педагогик фаолиятни такомиллаштириш – рақобатбардош кадрларни тайёрлашга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат тадбирлари йиғиндиси бўлиб, мақсад

тўпланган билим, кўникма, малака, технологияни ижтимоий-иқтисодий капиталга йўналтириш ва таъминлашдан иборатдир.

Демак, касбий-педагогик фаолиятни такомиллаштириш – рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён натижасини ўзида ифода этиб, олий таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотда инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган: *биринчи йўналиш* – Ўзбекистонда мавжуд фанлараро классификация таркибида алоҳида эътиборни айнан чет тиллари предметига қаратиш, уни бевосита мамлакат истиқбол ривожини таъминловчи омил сифатида баҳолаш. Унда соф педагогик омиллар қаторида, ижтимоий инфраструктуралар яратиш, улар ишини жадаллаштириш назарга олинган; *иккинчи йўналиш* – чет тиллари бўйича мутахассисларни тайёрловчи таълим муассасаларига эътиборни инновацияларга қаратиш орқали таълим сифатини оширишни таъминлаш. Бунинг учун таълим муассасаси учун зарур бўлган барча техник ва ахборот-коммуникацион имкониятларнинг тўлиқ бажарилиши зарур; *учинчи йўналиш* – узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини замон талаблари асосида такомиллаштириш. *тўртинчи йўналиш* – олий таълим муассасаси(ОТМ)нинг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, техник воситалар, зарур анжомлар билан жиҳозлаш йўналиши.

Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий аҳволни ўрганиш учун 2012-2019 ўқув йилида мамлакатимиздаги учта ОТМ танлаб олинди. Амалий ҳолатни тадқиқ қилиш учун Қарши давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетида фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолияти ўрганилди.

Мазкур ОТМда ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган амалий ҳолат ва педагогик фаолиятни ўрганиш учун ишчи ўқув режалар, методик қўлланмалар ва улар мазмуни, ўқитувчининг шахсий методик тажрибаси, янги методологияга бўлган муносабати ва уни қўллай олиш малакалари, ўқитувчи маҳорати ва ўқитувчининг илмий-тадқиқот фаолияти, ОТМда олиб бориладиган маънавий ва маърифий тарбия фаолиятида чет тиллари ва чет тиллари билан боғлиқ тадбирларнинг мавжудлиги, Ёшлар Иттифоқи(2017)нинг таълим муассаси бўлимининг чет тилларни ва касбий фаолиятни ривожлантиришдаги ўрни, ўқув муассасасининг мураббийлар фаолиятида илғор педагогик ғояларнинг ўрин эгаллаши, шунингдек ОТМнинг хорижий давлатлар элчихоналари билан узвий уч томонлама муносабатларнинг мавжудлиги масалалари кўриб чиқилди ва тадқиқ қилинди.

ОТМларда фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил этишда интеллектуал ва креатив тафаккур, маънавий етуклик, мафкуравий уйғоқлик, мафкуравий соғломлик, фуқаролик сезгирлиги каби ҳислатлар билан биргаликда, ўз фанини чуқур билиш,

таълимга кенг жорий қилинаётган ахборот технологияларининг имкониятларидан тўла фойдалана олиш, педагогик техникага эга бўлиш, компетентлик каби сифатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

Агар педагогикадаги касбий-педагогик фаолиятни такомиллаштиришга доир фикрлар умумлаштирилса, унинг мазмуни: (1) педагогик тизим, (2) педагогик жараён ҳамда (3) педагог фаолиятни янги мазмун ва шаклларда ташкил қилиш, бошқариш ва амал қилишда замонавий мутахассисларни етиштириб чиқаришнинг янгича тизими, жараёни ва усул, восита, метод ва йўллари мажмуи педагогик инновацияга тўғри келади.

Диссертациянинг **“Олий таълимда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида ОТМда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш, инглиз тилини ўқитишда ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил қилиш модели, шакллари, воситалари ва методлари масалалари ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришга эришиш учун 2012-2019 ўқув йилида мамлакатимиздаги учта ОТМ танлаб олинди. Таълимий тажриба-синов ишлари Қарши давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетида фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчилари билан амалга оширилди.

Мазкур ОТМда ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ташкил этиш бўйича олиб борилган амалий ҳолат ва педагогик фаолиятни ўрганиш учун ишчи ўқув режалар, методик қўлланмалар ва улар мазмуни, ўқитувчининг шахсий методик тажрибаси, касбий методологияга бўлган муносабати ва уни қўллай олиш малакалари, ўқитувчи маҳорати ва ўқитувчининг илмий-тадқиқот фаолияти, ОТМда олиб бориладиган маънавий ва маърифий тарбия фаолиятида чет тиллари ва чет тиллари билан боғлиқ тадбирларнинг мавжудлиги, Ёшлар Иттифоқи (2017) нинг таълим муассаси бўлимининг чет тилларини ва касбий ғояларни ривожлантиришдаги ўрни, ўқув муассасасининг мураббийлар фаолиятида касбий ғояларнинг ўрин эгаллаши, шунингдек ОТМнинг хорижий давлатлар элчихоналари билан узвий учёклама муносабатларининг мавжудлиги масалалари кўриб чиқилди ва тадқиқ қилинди.

Замонавий жамиятлар учун энг олий кадриятлардан бири сифатида эътироф этилган “инсон капитали” учун чет тилларини эркин билиш, чет тилларни ўзлаштириш қандай аҳамият касб этиши таҳлил қилинган. Исон капитали (*Human Capital*) – инсон ва жамият манфаатларини руёбга чиқариш учун зарур бўлган билим, малака, кўникмалар йиғиндиси саналади. Унинг таркибий талабларига чет тилларини эркин билиш киритилади.

Диссертацияда инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик жараёнда шахсий, инструментал ва методологик воситаларнинг тизимли мажмуи ва

амал қилиш тартиби педагогик технологияни вужудга келтириши ҳақидаги фикр баён этилган.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар таълим-тарбия жараёнларини бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, яъни таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг эски методларидан воз кечиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва замонавий талабларга мос келадиган, мамлакат таълим стратегиясига мос таълим бошқарувини шакллантиришни тақозо қилади.

Шунга кўра, инглиз тили ўқитувчилари педагогик фаолиятининг шахс шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти бекиёс даражада ўсиб бораётганлиги қайд этилган. Таълимдаги замонавий касбий технологиялар таълим самарадорлигини оширувчи восита бўлиб, улар ёрдамида таълим жараёни янги касбий парадигма асосида амал қила бошлайди. Мазкур парадигма янги илмий ва амалий педагогик фаолият тизимини яратиш беради. Унинг асосида эса таълим олувчи атроф муҳитда мусбат ўзгаришлар қилишга, янги моддий ва маънавий бойликларни яратиш учун тайёр ҳолатга келтирилади.

Давлат таълим стандартида таъкидланишига кўра, Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборатдир.

ДТС да ОТМ талабаларининг чет тиллари бўйича билим, малака ва кўникмалар нуқтаи назаридан ҳар қандай мавзунинг тинглаб тушуниши, мана шу мавзу бўйича гапира олиши, талабада чет тиллари бўйича ўқиш, ёзиш, фикр қила олиш, ўз фикр, ғояларини тушунтира ва ўткази олиш лаёқатлари тақозо этилмоқда. Ўқитувчи фаолияти таълимнинг ҳар бир босқичида айнан мана шу натижаланик ва самарадорликка қаратилмоғи талаб этилади.

Ушбу бобда инглиз тилини ўқитишда ахборот технологиялари, компьютерлаштирилган, дастурлаштирилган методлардан фойдаланиш салмоғининг аҳамияти кўрсатиб берилган бўлиб, унда “Тил портфеллари”, Вальдорф мактаблари, Гипнопедия, “Silent way”, “Total-physical response”, “Sugesto pedia” ва турли муаллифлик технологиялардан (“Кливленд режаси”, “Ҳозир ва шу ерда”, Табиий метод, Д.Дьюи мактаби, Пимслернинг тил ўргатиш методи, Стивен Крашен методи, Дмитрий Петров методи, Левинталь муаллифлик методикаси, Экспресс метод в.х.) фойдаланиш самарадорлиги масалалари ўз аксини топган.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, чет тилларни ўқитиш жараёнини мутлақо инновацион омилсиз ташкил этиб бўлмайди. Шу сабабли хориждаги самарали методикаларни ўрганиш ва улар асосида ўқитувчининг инновацион-педагогик фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, мамлакатимизда чет тилларни ўқитишда янги сифат ўзгаришларини амалга ошириш босқичида талаба-ёшларни рақобатбардош мутахассислар сифатида мамлакат иқтисодиётини ўстиришга мақсадли тайёрлаш бугунги куннинг асосий талабидир.

Шунингдек, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ташкил қилишда миллий хусусиятларга таяниш (Авесто, “Сўғд ёзуви”, муҳаддис алломалар, тасаввуф таълимоти, халқ оғзаки ижоди в.б.) хусусиятлари ёритиб берилган.

Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги миллий-маънавий омилларнинг аҳамиятли эканлиги аниқланди:

- ижтимоий фаол баркамол шахс тарбиясини бош мақсад қилиб қўйиш, таълим-тарбия жараёнининг илмийлиги, тарихийлиги ва миллийлигига эътибор қаратиш, педагогик жараёни таълим-тарбия субъектларига нисбатан гуманизм, демократизм ва тенглик ғоялари асосида ташкил қилиш;

- миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларнинг узвийлигини таъминлаш, талаба-ёшларнинг ижтимоийлашуви ҳамда индивидуаллашуви жараёнларини кенг ривожлантириш;

- таълим-тарбия жараёнини демократик тамойиллар асосида ташкил қилиш, унинг халқчиллиги, эркинлиги, очиклиги (транспарентлиги), озодлиги, тенглиги тамойиллари асосида ташкил қилишини таъминлаш;


- таълим жараёнида шахс такомил учун зарур педагогик шарт-шароитлар ва таълим-тарбия муҳитини ташкил қилиш, талаба-ёшларнинг фуқаролик жамияти тараққиётидаги ўрни вазифалари масалаларига уларнинг эътиборини жалб этиш;

- миллий ғоя ва мафқурани тарбиясининг узвийлиги ва узлуксизлигига риоя этиш, талаба-ёшларнинг мутахассис сифатида рақобатбардошлик мезонларини эгаллашларига кўмаклашиш, миллий ўзликни англаш, мультикультурализм, маданиятлар ранг-баранглиги тамойилларининг ҳаётий жараёнларда фаол қўлланилишига эришиш кабилар.

Тадқиқот жараёнида миллат тарихига оид этномаданий материаллардан фойдаланилди. Хусусан, ўзбек маданияти, унинг тарихи тўғрисидаги материаллардан фойдаланиш талабаларнинг манба тўғрисидаги эмпирик, визуал, эмоционал-хиссий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқотда педагогик амалиёт тажрибаси асосида тавсиялар тизими ишлаб чиқилган. Инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолият тузилмаси муайян хусусиятлар, фазилатлар, йўналишлар, ёндашувлар мажмуасидан иборат эканлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

Инглиз тилини ўргатишда таҳсил олувчиларда таянч компетенциялар билан бирга коммуникатив компетенцияни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Коммуникатив омил мулоқот олиб боришга ўргатишни назарда тутди. Чет тилларни ўқитишдаги сўнгги мақсад чет хорижий тил муҳитида эркин мулоқот қила олиш билим, малака ва кўникмаларига эга бўлишга тенг келади. Инглиз тилини мулоқот даражасида эгаллаш, оғзаки ва ёзма нутқни ўқув дастури талаблари доирасида тушуниш, ўз фикрини чет тилида баён этишга билим ва малакаларни эгаллашни ўргатиш ўқитувчининг касбий фаолиятида асосий кўрсаткич ҳисобланади.



1-расм. Олий таълим муассасаси инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти тузилмаси

Тадқиқот доирасида инглиз тилини ўқитишда қуйидаги педагогик воситалар самарали эканлиги ҳақидаги хулосага келинди:

- таълим жараёнининг интерфаол дастурий воситалар (видео, аудио, таблолар, флэп-чатлар, мультимедиа) ва IT технологиялари билан таъминланганлиги;

- мавзуга оид махсус оммабоп ва илмий манбаларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг ҳаммабоп эканлиги;

- миллий қадриятлар ва миллий маданият омилларидан унумли фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги (сухбатлар, учрашувлар, музей, кино, театр);

- тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда турли хорижий меҳмонлар, хусусан хорижий давлатлар элчилари, уларнинг намоёндалари билан учрашувлар ўтказиш имкониятининг мавжудлиги;

- чет тилларни ўқитишда амалий тажрибаларни шакллантириш учун “тилни ўз она тили деб билган” ўқитувчилар контингентининг мавжудлиги ва уларнинг таълим жараёнига кенг жалб этилганлиги;

- ҳаётий воқеаларни шуҳрат қозонган инсонлар билан бўлган мулоқотлар орқали муҳокама қилиш имкониятининг яратилиши.

Демак, инглиз тилини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилини жорий этадиган энг биринчи шахс бу – ўқитувчидир. Бинобарин, педагогик фаолият нуфузини ошириш, унинг самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бу таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик инновацион фаолиятини ташкил этишдир. Замонавий педагогик инновацияларсиз педагогик жараён самарадорлиги оқсайди. Инновацион педагог фаолият таълим тизимидаги амалга оширилиши зарур бўлган “портлаш” эффектини таъминлаб берувчи бош омиллардан биридир. Бугунги кунда барча педагоглар инновацион педагогик фаолиятни педагогик амалиётга татбиқ эта олишлари шарт. Айниқса, олий таълим тизимида, хусусан, инглиз тили бўйича фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг инновацион фаолиятларига бўлган талаб жуда кучли эканлиги аён. Шунга кўра, замонавий ўқитувчи педагогик илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириши, таълим жараёнида интеллектуал мулкни асраши ва янада ривожлантириши, янги ва илғор педагогик ишланмаларни амалиётга жорий қилиши, инновацион лойиҳалар кўламини кенгайтириши талаб этилади. Бунда олий таълим тизимида инглиз тилини ўқитиш, мазкур жараёнга инновацион шакл, восита ва усулларни жорий этиш, бунинг учун махсус тайёргарлиги мавжуд бўлган педагог кадрларни етиштириш муҳим ҳисобланади.

Бинобарин, бугунги кунда чет тилларни ўқитишга давлат томонидан қўйилаётган талаб ўсиб келаётган авлодни бирор бир чет мамлакат тилида эркин сўзлашишга ўргатиш, бунинг негизида келгуси кадрларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятларни яратиб беришдан иборатдир.

Диссертациянинг “Олий таълимда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ташкил қилиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари, самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг умумий тавсифи берилган.

Олий таълимда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ташкил қилишда тажриба-синов ишлари, хусусан, педагогик жамоалар учун мақсадли ташкил қилинган махсус семинар-тренинглар, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни касбий педагогик жараёнга қайта тайёрлаш тадбирлари натижасида улар фаолиятида анъанавий усулларнинг камайиши ва касбий технологияларнинг кириб бораётганлиги кузатилди (3-расм).

Тажриба-синов ишларини олиб бориш даврида танлаб олинган ОТМ ўқитувчиларининг кўпчилигида касбий методларни ўрганишга нисбатан мойиллик мавжудлиги, уларнинг кўпчилиги янгиликларни қабул қилишга, ўз устида мунтазам ишлашга тайёр эканликлари, улар энг мохир ўқитувчилар сафидан ўрин олишга, ўз фаолиятини илмий-тадқиқотлар асосида олиб боришга тайёр эканликлари аниқланди. Бироқ уларда касбий педагогик тушунчалар, методлар, уларни қандай қилиб таълим жараёнига татабиқ этиш мумкинлиги борасидаги билим, малака ва кўникмалар етарли эмаслиги аниқланди.

ОТМ ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишларининг бошидаги билим, малака ва кўникмалар даражаси кўрсаткичлари 1-жадвал кўринишини олди:

1-жадвал

ОТМ ўқитувчиларида тажриба-синов ишлари аввалида касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Респондентлар Сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	486	45	236	205
Назорат гуруҳи	450	54	156	240

Тажриба-синов ишларидан сўнг тажриба гуруҳларидаги маълумотлар ўзгаришсиз қолди, назорат гуруҳида касбий-педагогик билим, кўникма ва малакамаларнинг сезиларли даражада ривожланганлиги қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

ОТМ ўқитувчиларида тажриба-синов ишлари сўнггида касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлик даражаси

Гуруҳлар	Респондентлар Сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	486	298	157	43
Назорат гуруҳи	450	54	156	240

Тажриба-синов натижаларига кўра ОТМ чет тили ўқитувчиларида КПФТ нинг самарадорлик даражаси қуйидагича белгиланди(3-жадвал):

Тажриба-синов натижаларига кўра ОТМ чет тили ўқитувчиларида
КПФТни ривожлантиришнинг самарадорлик даражаси

Критерийлар	Даражалар	Гуруҳлар	Чет тиллари		Маънавий-маърифий тадбирлар	
			Боши	Охири	Боши	Охири
Миллий ва умумбашарий билим ва кадриятлар даражаси	юқори	НГ	21,7	27,4	35,8	36,0
		ТГ	32,8	89,3	39,8	92,5
	ўрта	НГ	34,1	43,2	36,0	42,8
		ТГ	31,9	78,5	36,7	85,1
	паст	НГ	34,2	40,4	24,2	31,2
		ТГ	28,3	93,2	33,5	87,4
Малакава кўникмалар даражаси	юқори	НГ	32,6	34,8	29,8	23,4
		ТГ	33,7	85,8	27,9	87,7
	ўрта	НГ	30,9	34,2	28,9	26,8
		ТГ	30,8	82,9	31,0	80,1
	қуйи	НГ	20,5	25,0	27,3	39,8
		ТГ	23,5	80,3	41,1	92,2
Ҳаётий позицияга айланиш даражаси	юқори	НГ	24,8	38,6	29,8	32,4
		ТГ	37,9	92,7	32,9	91,5
	ўрта	НГ	22,8	36,8	26,7	34,6
		ТГ	41,7	90,1	30,9	92,4
	қуйи	НГ	20,4	24,6	23,5	29,4
		ТГ	27,4	87,2	24,2	89,1

Тажриба гуруҳида касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилиш жорий этилган инновациялар шароитида назорат гуруҳининг тегишли даврдаги натижаларига нисбатан сезиларли даражада ўсишини кўрсатди. Тажриба-синов натижасида аниқланган ҳолат ва чиқарилган хулосаларнинг тасодифий эмаслиги, амалга оширилган инновацияларнинг ҳақиқатан ҳам ўқитувчилар фаолиятидаги самарадорликни ошишига олиб келганини ишонч билан тасдиқлаш учун математик статистика методларига мурожаат қилинди.

Тажриба-синов натижалари қийматларининг мослиги ёки фарқ қилиши ишончилигини Вилкоксон-Манн-Уитни мезони ёрдамида аниқлаш қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

1. Таққосланаётган танланмалар учун Вилкоксон мезонининг эмпирик қиймати $W_{эмн}$ ҳисобланади.

2. Мазкур қиймат $W_{0,05} = 1,96$ чегаравий (критик) қиймат билан солиштирилади: агар $W_{эмн} \leq 1,96$ бўлса, у ҳолда “таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари (характеристикалари) 0,05 даражада мос келади” – деб хулоса қилинади; агар $W_{эмн} > 1,96$ бўлса, у ҳолда “таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари (характеристикалари) фарқи 95% ни ташкил қилади” – деган хулосага келинади.

ОТМ инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синови натижалари юқорида қайд этилган алгоритмга биноан ҳисоб-китоб қилинганда тажриба ва назорат гуруҳларига мансуб педагогларнинг тажриба бошидаги инновациялар

ҳақидаги маълумот савиялари ҳақидаги ахборот бўйича Вилкоксон-Манн-Уитни мезонининг эмпирик қиймати $W_{эмп} = 0,7559$ ни ташкил қилди.

$W_{эмп} = 0,7559 \leq 1,96$ бўлгани учун “таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари (характеристикалари) 0,05 даражада мос келади”, – деб хулоса қилиш мумкин. Яъни назорат ва тажриба гуруҳига кирувчи педагоглар таркибининг тажриба бошидаги салоҳият даражаси бир хил эканлиги намоён бўлди.

Аксинча, тажриба ва назорат гуруҳларига мансуб инглиз тили ўқитувчиларининг тажриба сўнгидаги касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш бўйича Вилкоксон-Манн-Уитни мезонининг эмпирик қиймати $W_{эмп} = 3,7796$ ни ташкил қилди. $W_{эмп} = 3,7796 > 1,96$ бўлгани учун “таққосланаётган танланмаларнинг тавсифлари (характеристикалари) фарқи ишончлилиги 95% ни ташкил қилади” – деган хулосага келинди. Яъни назорат ва тажриба гуруҳига кирувчи инглиз тили ўқитувчиларининг тажриба сўнгидаги билим даражаси сезиларли даражада фарқ қилиши кўринади.

